



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ


Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 16 октябрь, чаршанба • № 82 (10.857) • Эркин нархда сотилади.



**Юртимизда буюк бобокалонимиз, ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишланган катта тантаналар бошланмоқда.**



## СИЗ — ЭЛ МАНГЛАЙИДА ПОРЛАГАН НУРСИЗ, ФУРУРСИЗ, ШУУРСИЗ, ТЕМУРСИЗ!..

660 йил... Асрлар оша замонлар неча бор ўзгарди, дунёга неча турфа одамлар, олимлар, алломалар келиб кетдилар. Кимлардир унутилди, кимлардир тирикликда қилган эзгу ишлари боис абадият осмонида юлдуздай порладилар... Бироқ, Оллоҳ сийлаган мана шу муқаддас туркғўй заминда буткул борлиқни чақмоқдай чақнатиб яна бир зот оламга келди-ки, унинг мағрур номи ҳали-ҳануз бутун дунёни титратиб тургандай. Бул зотиолий АМИР ТЕМУРДИР...

Ҳа, улуғ Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида улкан бунёдкорлик ишлари билан, тенгсиз саркардалиги, қатъиятли, жасоратли инсонлиги билан бутун башариятни лол қолдирди. У — энгилмас куч тимсоли, у — садоқат тимсоли, у —

иймон тимсоли... у — бизнинг бобокалонимиз Амир Темурдир!

Афсуски, улуғ Соҳибқирон яқин ўтмишгача бизга мутлақо бошқача одам кўринишида тасвирланиб келинди. Бу, айниқса, собиқ тузум — қизил империя даврида авж олди. Мақсад тушунарли эди, албатта... Аммо, улуғларнинг номларини одамлар хотирасидан вақтинча ўчириш мумкин-у, аммо, асл ҳақиқатни тарих саҳнидан буткул сидириб ташлаб бўлмас экан. У гоҳ улкан миноралар тепасидан, гоҳ муқаддас пойқадамлар қаъридан сас бериб, ўзини англашиб тураверар экан! Ахир Темурни босқинчи дедилар, бироқ, унинг ўз ватани учун ҳамма ишни қилишга тайёр турган жасур саркарда эканлигига дунё тан берди. Темурни бузгунчи, дедилар. Бироқ, унинг Оқсаройи, масжи-

ду-мадрасалари, улкан кўприклари, карвонсаройлари эзгуликнинг тимсоли бўлиб жаҳон аҳлини ўзига маҳлиё қилди. Темурни саводсиз, дедилар. Бироқ, унинг эл бахти, келажаги учун қилган маънавий-маърифий ишлари, хатто, бугунги кунда ҳам энг тоза илм чашмаси сифатида авлодларга хизмат қилмоқда...

Юртимиз мустақилликка эришгач, биз унутилаёзган тарихимизга, қадриятларимизга, анъаналаримизга, миллий ва маънавий бойликларимизга қайтдик. Дилимизга пок иймон, тилимизга Оллоҳ деган, Ватан деган муқаддас калом кирди. Қалбимизга асл Амир Темур рўёси кириб келди!..

... Бугун юртимизда катта тўй. Соҳибқироннинг 660 йиллигини мустақил юрт эгалари жуда катта тантаналар билан нишонламоқдалар. Зеро, буюк Амир Темур шундай эъзозга, иззату-икромга, ифтихорга арзигулик улуғ зот эди. Унингдек номи сарбаланд ўтган муқаддас юртга бугун шундай тўйлар жуда-жуда ярашади!

## КЛИНТОН АҚШ ВА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚАЛАРИ ХУСУСИДА



**Вашингтон. (ЮСИА). Оқ уйда Ўзбекистон Республикасининг янги элчиси С. Сафоевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтонга ишонч ёрлиги топшириш маросими бўлиб ўтди. Президент Клинтон икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва минтақавий масалаларда ҳамкорлик кенгайтганлигидан мамнун эканлигини билдирди ва жумладан, шундай деди:**

«26 июнь куни Оқ уйда Президент Ислоҳ Каримов билан бўлган учрашувимиз икки томонлама мустақам муносабатларнинг ривожланишига янги куч берди ва мен Америка халқи номидан Президент Ислоҳ Каримовга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни билдираман.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг суверенитети, демократик тараққиёти ва гуллаб-яшнашидан тўғридан-тўғри ва моддий манфаатдордир. Биз Ўзбекистонни Урта Осиёдаги етакчи давлат деб биламиз, чунки у — бозор муносабатлари тараққиёти ва ҳамкорликнинг минта-

қада ҳаракатлантирувчи омили бўлишга қодир имкониятга эга мамлакат. Шу боис Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни Евроосиёдаги сиёсатимизнинг энг муҳим қисми сифатида кўзда тутамиз.

Икки томон ҳам турли масалаларда ҳамкорлигимиздан келиб чиқадиган ютуқларни юқори баҳолайди. Биз Ўзбекистон ҳукумати-нинг инсон ҳуқуқлари ҳурматта сазовор бўлган очиқ жамият куриш йўлида яқинда қўйган ижобий қадмларини маъқуллашамиз. Демократик жамият ва ҳуқуқий давлат куриш йўлидаги ҳаракатларнинг бундан кейинги ривожини ички барқарорлик ва иқтисодий фаровонлик-

ни таъминлайди. Бу ҳамкорлигимизни янада мустақамлашда муҳим аҳамият касб этади. Биз бундан кейин ҳам мана шу жараёни қўллаб-қувватлаш истагидамиз.

Биз хавфсизлик соҳасида, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама, масалан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида алоқаларимиз ривожланиб бораётганидан, айниқса, хурсандимиз. Ўзбекистоннинг Қозоғистон ва Қирғизистон билан биргаликда Урта Осиё тинчлик батальонини тузишда иштирок этиши сизнинг мамлакатингизга нисбатан бу ерда ишонч-эътиборни оширди. Бу ташаббус Ўзбекистоннинг минтақавий ҳам-

корлик тарафдори эканлигидан далолат беради, деб ҳисоблаймиз ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг келгуси машқларида Ўзбекистон билан яқин алоқаларни давом эттиришга интиламиз.

Биз Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги минтақавий масалалар бўйича яқин ҳамкорлигимизни юқори баҳолаймиз. Мамлакатингиз раҳбариятининг Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлашни кўзда тутган амалий ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз ва Афғонистонда бошланган фуқаролар уруши мазкур тақлифни илгари суриш билан боғлиқ бизнинг ҳаракатларимизга қандай таъсир этиши мумкинлиги хусусида Хавфсизлик Кенгашининг бошқа аъзолари билан ўтказажак маслаҳатлашувларимиз натижаларидан сизларни хабардор этиб турамиз. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотини мустақамлаш борасида олиб бораётган ишларимиз доирасида Ўзбекистон билан янада яқинроқ

маслаҳатлашувлар ўтказиш тарафдоримиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 51-сессияси олдидан биз барча масалаларда Ўзбекистон билан бундан ҳам қалин алоқаларни йўлга қўйишга ҳаракат қиламиз.

Мен, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида барқарор савдо ва инвестиция алоқаларининг муҳимлигини таъкидламоқчиман. Америка Қўшма Штатлари Умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилаётган Ўзбекистон билан ўзаро мустақам ҳамкорликни давом эттиришга тайёр. Биз бугунги Америка сармояларининг муваффақиятини, шу жумладан, энергетика ва тоғ-кон саноатидаги муваффақиятларни ҳам икки томонлама муносабатларимиз ривожининг ёрқин намоиши деб ҳисоблаймиз ва инвестиция шарт-шароитлари янада яхшиланишига катта иштиёқ билдираемиз».

## Амир Тему́р таваллудининг 660 йиллигига

**ИНСОНИЯТ ва маданият тарихида яқка ҳамда жамоа асосида ташкил этилган илмий сафар-саёҳатлар кўп бўлган. Аммо ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган «Буюк ипак йўли — мулоқотлар йўли» халқаро илмий сафар-саёҳат ўзининг қамрови, йўналиши, олдига қўйган мақсад-вазифалари, таркиби ва замонавий нақлиётдан фойдаланишига кўра алоҳида ажралиб туради.**



Бир неча йилга мўлжалланган бу сафар-саёҳатларнинг иккинчи тури «Сахро йўли» деб аталган йўналишида унинг аъзоси сифатида иштирок этдим. Ашхобод — Марв — Чоржуй — Тошовуз — Нукус — Гурганж — Бухоро — Қарши — Термиз — Кўлоб — Душанбе — Самарқанд — Хўжанд — Ўш — Наманган — Тошкент — Туркистон — Чимкент — Жамбул — Чўлпон ота — Олмаота — Панфилов — Хорисдан иборат йўналишни қамраб олган мазкур илмий сафар-саёҳатда МДХ давлатлари олимларидан ташқари 24 хорижий мамлакатларнинг юзга яқин йирик тадқиқотчилари қатнашдилар. Соҳибқироннинг 660 йиллиги олдидан, роппа-росса икки ой давом этган мазкур сафар-саёҳат ўн тўрт минг чакирим масофани босиб ўтди... Энг қадимий йиғирма олти шаҳар қолдиқлари, юздан ортиқ археологик қазилмалар, илк ва ўрта аср шаҳарлари харобалари, меъморий ёдгорликлар, исломнинг машҳур вакиллари, азиявлиёлар мақбаралари, шунингдек кўҳна дафналар ва бошқа жойларда бўлинди.

Мазкур сафар-саёҳатнинг олдига қўйган олижаноб мақсадларидан бир темурийлар, биринчи навбатда буюк жаҳонгир Амир Тему́р номи билан боғлиқ табаррук жойлар, меъморий обидалар билан яқиндан танишув, улар «ҳолидан» хабардор бўлиш, зарур бўлса улар «дардига малҳам қўйиш», яъни таъмирлаш ишларига баҳоли қудрат кўмаклашиш, бу соҳада илмий тадқиқотларни кучайтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш, қадимий қўлэмаларни излаш, амалий в тасвирий санъат намуналарини ўрганиш, маданият, маънавият ва маърифат обидаларини зиёрат қилиш кабилардир.

Мен сафар-саёҳат давомида тадқиқотчиларнинг кўплари билан суҳбатлашдим. Мана, уларнинг айримларининг соҳибқирон Амир Тему́р ҳақидаги фикрлари:

**Профессор АХМАД ХАСАН ДОНИ (покистонлик машҳур тарихчи, шарқшунос олим. Сафар-саёҳатнинг хорижий мамлакатлар бўйича илмий раҳбари),**

— Амир Тему́р тарихда ўтган ҳар томонлама етуқ шахслардандир. Ўз замонасининг энг фаол ва серқирра фарзанди

Амир Тему́р, бир томондан қайсар, жангар ҳукмдор, кураги ерга тегмаган саркарда, фотиҳ, иккинчи томондан, қадимий «Буюк ипак йўли»га янги ҳаёт ато этган, унинг сўқмоқлари бўйлаб бунёдкорлик қилган, бебаҳо бинолар қурдирган, қарвонсаройлар қурдирган, сувсиз ерларга сув чиқарган, қоризлар, сардобалар қурдирган, санъатни, меъморчиликни яхши қўрган, ардоқлаган, сир-асрорга бой улуг инсон.

Мен жаҳондаги меъморий ёдгорликларнинг кўпини қўрганман. Уларнинг ҳар бирини ўзига хос қайтарилмас санъат асари, бебаҳо ёдгорлик, инсон қўли билан яратилган мўъжиза, дейиш мумкин. Аммо менинг назаримда энг улугвор, пурвиқор, беқиёс қўркам бино, бу-Тему́р қурдирган Оқсаройдир! Дарҳақиқат, Эроний меъморларнинг маҳорати билан бино қилинган бу муҳташам са-

Урганч, Хива, Бухоро, Ўтрор, Жаркент, Бурана, Тошкент, Андижон каби қадимий шаҳарлар обидалари — дафналар бўйлаб келар эканми, бу жойлар фантастик афсоналар мамлакатлари эканлигига, бебаҳо меъморий обидаларга бойлигига қўйил қолдик.

Тему́рга келсак, у ниҳоятда серқирра, фаолияти мураккаб сиймо, улуг зот. У, бир томондан, дунёни титратган жаҳонгир, иккинчи томондан дунё авлодларини маънавий, моддий қарздор қилган буюк инсон! Тарихда буюк саркардалар кўп бўлган. Борди-ю. француз саркардаси Наполеон билан Тему́рни қиёслайдиган бўлсак, иккинчиси биринчисидан ўн чандон устун туради. Наполеон ҳам жаҳонгашта бўлиб, лекин борган жойларини вайрон қилиб, қурилишларга кам эътибор берган. Тему́р ҳам ўз даврининг

милоддан аввалги 1-минг йилликнинг иккинчи ярмидан то мелодий 15 асргача сув йўллари қарор топгунча Шарқни Фарб билан боғлаган асосий савдо йўли бўлиб, у Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Эрон, Яқин Шарқ ҳамда Ўрта денгиз мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқаларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнаган.

XIV аср охири XV аср бошида Амир Тему́р давлати харитасига бир назар ташланг. Унда Дехлидан тортиб, Дарбандгача, Богдоддан тортиб Ўтроргача, Хурмуздан тортиб Ургангача Амир Тему́р давлатини ташкил этиши аниқ-тиник кўрсатилган. Мисрдан тортиб Олтин Ўрдагача, Кангурдан тортиб Москвага қадар кенгликлар эса Амир Тему́рга бўйсунувчи қарам давлатлар ва ҳудудларни ташкил этади. Илдизлари жуда қадим-қадимларга бориб тақалган, дунёнинг жуда кўп қитъалари, мамлакатлари ва ҳудудларини ўз бағрига олган «Буюк ипак йўли»нинг улкан бир қисми ана шу Амир Тему́р давлати ёхуд унга бўйсунувчи қарам давлатлар ҳудудларида ёйилиб ётади.

Амир Тему́р йўлларга, жумладан, «Буюк ипак йўли»га алоҳида эътибор берган. Мана, соҳибқироннинг панд ўғитларидан бирида нималар дейилади: «Хароб бўлиб ётган ерларда қоризлар курсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёллар устига (янги) кўприклар курсинлар, йўл устида, ҳар манзилгоҳда роботлар курсинлар. Йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир роботга бир неча одамни жойлаштирсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини гафлат босиб, ўғирлатиб қўймастикларининг вазифаси ҳам ўшаларнинг зиммасида бўлсин».

«Шубҳасиз, — деб ёзади профессор Абдулахад Мухаммаджонов, — бу даврда Тему́р ва унинг жойлардаги ноиблари Хитой ва Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига йўналган асосий халқаро савдо йўли — «Буюк ипак йўли»ни назорат қилиб, савдо қарвонлари қатнови хавфсизлигини таъминлашда муҳим чора-тадбирлар кўрадилар ва Шарқ билан Фарб ўртасида савдо-сотиқ ва элчилик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга гоёят катта эътибор берадилар.

Хулоса қилиб айтганда, «Буюк ипак йўли» узоқ йиллик тарихий илдизларга эга. У, айниқса Тему́р ва темурийлар сулоласи даврида яшнади, гуллади... Аммо, кейинчалик бу йўлни ҳам чанг-ғубор босгандай бўлди... Республикамиз мустақилликка эришгач Япония, Хитой, Курия, Покистон, Афғонистон, Туркия, Эрон каби «Буюк ипак йўли» мамлакатлари билан муносабатлар қайта тикланмоқда. Қолаверса, Жаҳонгир Амир Тему́р фаолияти билан боғлиқ бўлган, «Буюк ипак йўли»нинг аҳамияти ва қиммати бундан кейин ҳам юқори бўлишига шак-шубҳа йўқ.

**Малик МУРОДОВ,**  
профессор.

## СОҲИБҚИРОН ПАНОҲИДА БҮЮК БҮЛАН ЙҮЛ

ройнинг пештоқи, тоқу ровоқлари ва деворлари зангори ва олтин рангдаги арабий нақли кошнлар, гулдан ўймакор парчинлар билан зийнатланиши афсонавийдир. Оқсаройнинг кошнкор ва парчинлар пештоқининг гулдор нақшлари орасига «Агар бизнинг қувват ва қудратимизга ишонмасанг бизнинг иморатларимизга боқ» деган хитобнома битилган экан. Ҳа, Тему́р Қўрағонийнинг бу саройи маҳобатини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Оқсарой бетакрор, фавқуллода гўзал ижод оқибати-натijasидир. Мўъжизалар мўъжизаси! Мен, нафақат бир мен, балки бутун сафар-саёҳат аъзолари Оқсаройни фавқуллода ҳайрат ичра томоша қилдик. Бутун жамоатчилик, мутахассислар, қолаверса, ЮНЕСКО дунёдаги мўъжизалардан бири бўлмиш бу ёдгорликка ниҳоятда катта эътиборларини қаратмоқлари зарурга ўхшайди.

**ДУ-ДУ ДЬЕН (ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро илмий сафар-саёҳат бош координатори):**

— Мазкур сафар-саёҳатни шу даражада кенг ташкил этишдан асосий мақсад бениҳоя бой ва бетакрор маданият бешиги бўлган мамлакатлар, элатлар ўртасидаги жуғрофий ва миллий маҳдудлик, тўсиқлардан устун турадиган чинакам ҳаётбахш халқаро мулоқотлар, ўзаро фикрлашув, ижодий, илмий алоқаларни йўлга қўйишдир. Ахир, ота-боболаримиз шундай йўл туттишган-ку?! Бунга «Буюк ипак йўли» ёрқин мисол бўла олади... Биз «Буюк ипак йўли» йўналиши бўйича «Ўрта Осиё ва Қозғоғистон жумҳуриялари бўйлаб» изланишлар олиб бораг эканми, бу олтин водийнинг кўҳна Самарқанд,

буюк саркардаси, фотиҳи сифатида кўп ерларни босиб олди. Аммо босиб олган жойлардаги энг яхши усталарни, олим-фозилларни, ўзи билан бирга олиб юриб, кўпгина гўзал шаҳарларни, бебаҳо биноларни барпо эттирди, беазага безак, кўрқига кўрк қўшди...

Ҳўш, Амир Тему́рнинг Аллоҳ томонидан берилган мўъжиза — Буюк ипак йўли тараққиёти ва равнақига қўшган ҳиссаси нималардан иборат эди?

Авалло «Буюк ипак йўли»нинг ўзи нима? У қачон пайдо бўлган қайси минтақаларни қамраб олган? Дунёнинг энг машҳур, узун, сертармоқ йўли — «Ипак йўли»га бунчалик аҳамият берилишининг боиси нимада? Бу саволларга ҳамда Амир Тему́рнинг «Ипак йўли»га муносабатини ёритиш учун унинг тарихига, мақсад вазифаларига қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб биламиз. Маълумки, ана шу буюк йўл ташкил этилгач, унга бирлашган, туташган минтақаларда маданият, маърифат ва маънавият, қадриятлар, шунингдек, адабиёт, санъат ҳамда давлатчилик, сиёсат, тижорат, касб-ҳунармандчилик ривожланади. Бир-бирдан йироқда бўлган халқлар ўртасида иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий алоқалар, савдо-сотиқ йўлга қўйилади.

«Ўзбек совет энциклопедияси»да шундай ёзилади:

«Хитой, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари ўртасидаги қадимги савдо йўли, бу йўл орқали қадимги Хитойдан Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Кичик Осиёга асосан ипак экспорт қилинганлиги сабабли тарихда у «Ипак йўли» номи билан шўхрат топган. «Буюк ипак йўли»

ҳақиқатгўй сарбонмиз.  
Арз етказса фуқаро.  
дардига топдик чора,  
Ғаддорга беомонмиз.

Ғардонкашлик қилгонга,  
бешафқатмиз, ёмонмиз,  
Кимки содик, мардона,  
иньом бердик шоҳона,  
Бир одили замонмиз.  
Барлос, қилчоқ, жалоир,  
сўлдус, аргин, тархонмиз,  
Мўғул, тулкичи, дўлдай,  
тотор, арлот ва тўғай,  
Хуллас қирқ аймоқ, жонмиз.  
«Жаннат ур фирдавс» боғин  
бунёд этган боғбонмиз.  
Жонфизо «Боғи шамол»,  
ҳамда «Бўстон уш-шимол»,  
Шундай дилкаш Инсонмиз.  
Эй фарзанд! Шаҳид Худо!  
шу тузукни тузгонмиз,

Уни ўқи, ибрат ол,  
васиятга қулоқ сол,  
Билсанг, доруломонмиз!  
Умр етгунча бордик,  
ўтаётган қарвонмиз.  
Эй, туркий қавми, билгил,  
«Тузуқ»ка амал қилгил!  
Ўз ўғлинг Тему́рхонмиз!  
Биз ким — мулки Турон-у,  
амири Туркистонмиз.  
Биз ким — туркий уруғи,  
энг қадим, энг улуги,  
Бош бўғин, турк забонмиз!...

**Барот ИСРОИЛ.**

## ФАРЗАНДИМ, ЭШИТ МЕНИНГ СЎЗЛАРИМ

«Соҳибқироннинг ўн икки ўғити» достонидан парча

Биз ким — мулки Турон-у  
амири Туркистонмиз.  
Биз ким — туркий уруғи,  
энг қадим, энг улуги,  
Бош бўғин-турк забонмиз.  
Салтанати беқиёс  
ота мерос хоқонмиз.  
Юрт тамал тошин қўйган,  
ўз қавмин жондек суйган,

Улуг бобокалонмиз.  
Турк халқин ардоқлаган  
меҳри уммон султонмиз.  
Юртга юртларни қўшган,  
элга элларни қўшган,  
Буюк соҳибқиронмиз.  
Дилларда дини Исломи,  
иншооллоҳ мусулмонмиз.  
Тангри берибдур мадад,  
шариати Мухаммад,  
Иймони бут Инсонмиз!  
Алпомиш, Афросиёб  
сингари қахрамонмиз,  
Манас, Рустам, Гўрўғли,  
Эртаргин ҳам турк ўғли,  
Халқларвар паҳлавонмиз.

Мовароуннаҳр, Турон  
мулкига бир посбонмиз.  
Адолатда — куч-қудрат,  
бирликда кўп-пур ҳикмат,  
Зулм аҳлига қалқонмиз.  
Биз қўрган бинони кўр!  
хўп қодиримиз:  
«Оқсарой», «Кўк сарой»дек,  
жилваси тўлин ойдек,  
Мартабаси осмонмиз.  
Пирлар дарсини уққан,  
бир толиби ирфонмиз.  
қай элга етди қўлим,  
ривож топди-дин, билим.  
Зўр давлати арконмиз.  
ҳақ йўлига бошловчи,



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ, УЧУН!

# ТАБИАТИМИЗДАН

## Маънавият Ватанга, она-заминга, табиатимизга муносабатдан бошланади БУ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИШИМИЗ

*Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш», Ер ва Ер ости бойликлари», экологик ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни кучайтириш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишни кўзда тутувчи муҳим қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилиниши энг аввало адолатли ва ҳуқуқий-демократияга асосланган давлатчилик барпо этилаётганлигидан далолат беради.*

Айни вақтда улар юртдошларимизни юзага келган кескин экологик вазиятдан ҳимоя қилиш ва келгуси авлодлар учун ниҳоятда зарур бўлган мусаффо заминни вужудга келтириш, мамлакатимиз тарраққиётини белгилаб берадиган табиий ва ер ости бойликларини, хом-ашё захираларининг асраб қолинишига хизмат қилиши билан аҳамияти беқиёсдир.

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ва унинг жойлардаги 6 та минтақавий ҳамда 10 та туман кўмиталари жонкуяр назоратчиларининг асосий иши юқоридаги каби орзу истакларимизни мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Улар вилоятимиз ҳавосининг мусаффолигини, сувларнинг тозаллигини ва беғуборлигини, она заминимизнинг покизалиги, серхосил тупроғини, ранг-баранг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш, улардан унумли фойдаланишга эришишдек муҳим вазифани бажаришга бел боғланлар.

Табиатни муҳофаза қилиш ўз моҳияти эътибори билан фақатгина эколог мутахассисларнинг иши бўлибгина қолмай, у жуда кўп соҳани ўз ичига оладиган бир қанча ташкилот ва жамоалар фаолиятини ҳамкорликда ўзаро уйғунлаштириб олиб борилишини тақозо этади. Шунга кўра кўмитамиз ходимлари СЭС хизмати, ДАН назоратчилари, вилоят ўрмон ва сув хўжалиги, агроошмаси идоралари, халқ таълими бошқармаси, ўқув юртлари, «Камолот» ёшлар жамғармаси, фахрийлар уюшмалари билан биргаликда бамаслаҳат кўпгина самарали тадбирларни амалга оширишга эришмоқдалар.

Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда ҳавони муҳофаза қилиш нозирлигининг иш фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда ушбу нозирлигимиз назоратида бўлган барча санаот корхоналари, ҳаракатдаги воситалар ва ҳавога маълум миқдорда чиқинди чиқариши

мумкин бўлган манбалар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг ҳаммаси аввалдан тузилган режа-жадвалга кўра мунтазам текшириб борилаяпти. Янги Ангрэн, Ангрэн, Тошкент ГРЭСлари вилоятимиз ҳавосини ифлослантирувчи асосий манбалар эканлигини кўпчилик биледи. Уларнинг жами чиқиндилари бир йил давомида 140 минг тонна, яъни вилоят бўйича барча чиқиндилар йиғиндисининг ярмини ташкил этади. Кейинги йилларда ушбу корхоналарда олиб борган назорат ишларимиз туфайли 20га яқин тадбирлар жорий этилди. Бунинг учун 5366 минг сўм сарфланди. Шу туфайли чиқинди-

май бугунги кунда ундан фойдаланиш талабга бутунлай жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам кўмитамизнинг ер манбаларини муҳофаза қилиш ва кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш нозирлигидан ўз иш фаолиятини тубдан қайта қуриб, бу соҳадаги камчиликларни бартараф этишга астойдил бел боғлаш талаб этилади. Нозирларимиз шундай юксак масъулиятни ҳис қилиб ишлаётганлиги туфайли «Ер тўғрисида»ги қонунни бузган айрим жамоа ва деҳқон-фермер хўжаликларидан 2000 гектарга яқин ер қайтариб олинди. Ерга хўжасизларча муносабатда бўлган айрим ширкат, хўжалик раҳбарлари ва ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш чоралари қўлланди. 100 га яқин шахсдан жарималар ундирилиб олинди.

Кўп жиҳатдан нозирларимизнинг кўйдиштирилиши ва бевосита иштироки билан 1995 йил давомида Паркент туманида 4 та хўжаликда 21 га, Тошкент туманида 1626 га, Янгийўл туманида 350 га, жами 2000 гектардан ортик ерларнинг унумдорлигини оширишга эришилди. Бу соҳадаги ишларни яна кенгайтиришни назарда тутяпмиз. Шу мақсадда белгиланган режаларимизда «Ўзсудавлоийҳа» институти билан ҳамкорликни кучайтираемиз. Унинг тавсияларига биноан 2010 йилгача вилоятимизда ҳар йили 80-90 гектар бузилган ерларнинг унумдорлигини оширилади, 300—500 гектар шўрланган ерларнинг ҳолати яхшиланади, 100—150 гектар майдонда емирилишидан муҳофаза қилиш чораларини кўриш назарда тутилган. Ерларнинг ҳолатини яхшилашда минерал, органик, кимёвий ва захарли воситаларнинг аҳамияти, уларни ишлатиш меъёрларига амал қилиш муҳимдир. Лекин кимёвий захарли воситаларни қўллаш, уларни сақлаш, иш жойларига ташиб келтириш ахволи ҳали талабга тўла жавоб бермайди. Шунга қарамасдан 1995 йили уларни ишлатиш 1994 йилга нисбатан 1,5 баравар, гербицидлардан фойдаланиш эса 2 баравар қисқарди.

Ҳозирги кунда вилоятимизда экология жиҳатидан зарарсиз биологик ўғитлар ишлаб чиқариш тез ривожланмоқда. Ушбу соҳани янада кенгайтириш мақсадида Калифорния қизил чувалчангини боқадиган хўжалик ва жамоалар сони тобора кўпаймоқда.

Ҳозирги кунда вилоятимизда экология жиҳатидан зарарсиз биологик ўғитлар ишлаб чиқариш тез ривожланмоқда. Ушбу соҳани янада кенгайтириш мақсадида Калифорния қизил чувалчангини боқадиган хўжалик ва жамоалар сони тобора кўпаймоқда.

(Давоми 4-бетда).

### Бугуннинг гапи

лар ҳажмини 1088 тонна камайтиришга эришдик.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 8 та чанг ютгич ва 21 та аспирация тармоғи ишга туширилиши натижасида чиқиндиларнинг чиқиши 4282 тонна қисқарди. Табиатни муҳофаза қилишга қаратилган юзлаб тадбирлар санаотнинг бошқа тармоқларида ҳам амалга оширилишига эришилмоқда.

Ҳозирги кундаги муҳим муаммолардан бири санаот ва рўзгор-хўжалик чиқиндиларини тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаб, уларни зарарсизлантиришдан иборатдир. Ҳосил бўлаётган 1 миллиард тоннага яқин ҳар хил чиқиндиларнинг 20 фоизидан фойдаланиш имконияти туғилди, келгусида бу кўрсаткич муттасил ортиб боришига эришамиз.

Ер бебаҳо бойлик, уни қадрлашимиз керак. Вилоятимиз ҳудуди жами 1,5 миллион гектарни ташкил этган ҳолда унинг фақат 5 дан 1 бўлаги, яъни 332,1 минг гектари (1995 йилнинг 1 январигача бўлган маълумот) экин экишга, ярмидан камроғи — 776,6 минг гектари қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқли ҳисобланади. Ер танқислиги мавжудлигига қара-

### Тақлиф қиламан Шундай қўлланма ЗАРУР

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА, шу жумладан, вилоятимизда ер ости сувлари захиралари катта. Шундан турли мақсадларда фойдаланилмоқда. Экинларни суғоришда ишлатилляпти. Турли ишлаб чиқаришларда асқотмоқда. Айни вақтда аҳолининг ичимлик сувга бўлган талабини қондиришга хизмат қилмоқда.**

Шундай бўлгач, бу бебаҳо бойликнинг кадрига етиш, унинг тоза бўлишини таъминлаш зарур. Лекин, минг афсуски, бундай оби-ҳаёт кўп даражада ифлосланмоқда. Оқовалар, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлари, захарли кимёвий моддалар билан ифлосланган сув тупроққа сингиб, унинг таркибини бузмокда, турли хил захарли моддаларни олиб келмокда. Биз табиатни муҳофаза қилиш нозирлари бундай ҳолатлари аниқлаганда унинг айбдорларини жазолаш, уларга жарима солиш тартибини аниқ билмаймиз. Чунки, ер ости сувларини ифлослантиргани учун ҳақ олиш ҳақидаги услубият ҳамон ишлаб чиқилмаган. Республика Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раҳбарлиги бу муаммони тезроқ ҳал қилса, айни муддао бўларди. Шундай қўлланма биз учун жуда зарур.

**Ақром РИСКИМОВ,  
Чирчиқ минтақавий  
табиатни муҳофаза қилиш  
кўмитаси раиси.**

### Изланиш

#### 200 ТОННА КАМАЙДИ

**КУЮВ цехи Оҳангоридаги «Сантехсуюв» ҳиссадорлик жамиятининг асосий ишлаб чиқариш бўлими маси ҳисобланади. Айни вақтда у атроф-муҳитни ифлослантирувчи ширк манба ҳамдир. Айниқса, цехдаги вагранка-чўян эритиш печидан чиқадиган тўтун экологини кўп миқдорда бузди.**

Шу вақтгача кўмир ёки мазут ёқилгани учун ҳам бундай захарли модданинг чиқиши камаймасди. Корхона маъмурияти ниҳоят вагранкани қайта қуришни лозим деб топди. Бунинг учун маблағ ажратди. Натижада бу ерда ёқилги сифатида табиий газдан фойдаланишга ўтилди. Бу дарҳол табиатни ифлослантиришнинг кескин камайишига олиб келди. Ҳар йили зарарли ва захарли моддаларнинг атроф-муҳитга таралиши икки юз тонна қисқарди. Корхонада шу каби экологик тадбирларни амалга оширишни давом эттириш режалари тузилган.

**Собир ҲАМИДОВ.**

Табиат сулув бунча,  
Ҳар гулга ҳавас ортар.  
Ҳатто, оддий бир ғунча,  
Мени ўзига тортар.

Гўзаллик сирларини,  
Гулзорлардан сўрайман.  
Хур-Ватан ерларини,  
Оқ гулларга ўрайман.

Даврон АҲМАД олган  
сурат-лавҳа.



• ҲАМОН ҚОҒОЗДА ҚОЛМОҚДА • ВАЪДАБОЗЛИКНИНГ ҲАМ ЧЕКИ БОР • ЯНА ... ВА ЯНА ЕР ҲАҚИДА

**БУ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИШИМИЗ**

( Боши 3-бетда ).

да. Экологик соф қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, чорвачилик ва паррандачилик корхоналаридаги чиқиндиларни қайта ишлаб, биогумум олиш ниҳоятда самарали усул бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Сув ҳаёт манбаи, шунинг учун ундан тежаб-тергаб фойдаланиш зарур. Вилоятимизнинг сувга бўлган эҳтиёжи 6,5 миллиард куб метрни ташкил этади. Шундан 2 миллиард кубметр саноат ишлаб чиқаришига, 4 миллиард кубметр, қишлоқ ҳўжалиги, 290 миллион кубметр маиший-ҳўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилади. Улардан оқилона фойдаланилиши, исроф бўлмаслиги ва ифлосланишининг олдини олиш устидан қаттиқ назорат ўрнатилган.

Нозирларимиз сув ҳўжалиги ташкилоти ходимлари билан ҳамкорликда тезкор гуруҳлар уюштириб, сувга ташланиши мумкин бўлган мавсумий ва доимий оқоваларни тез-тез текширишдан ўтказдилар. Ифлос чиқиндилар таркибини таҳлил қилиб, камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиладилар ва уларни ижросини муттасил назорат қиладилар. Шу туфайли Чорвоқ шаҳарчасида сув тозалаш ҳовузлари ишга туширилди. Эндиликда илгари ифлослигича сув ҳавзасига ташлаб юбориладиган 10 минг куб метр ифлос оқова тозаланиб сўнгра Чирчиқ дарёсига қуйиладиган бўлди. Сувдан оқилона фойдаланишда Куйичирчиқ, Паркент, Чиноз, Зангиота туманлари яхши натижаларга эришилганлигини мамнуният билан қайд этиши

мумкин.


Ушбу мақолада кўмитамиз томонидан амалга оширилаётган катта кўламли ишларнинг барчаси ҳақида батафсил тўхташ имкони йўқ. Фақат уларнинг айримларини келтириб ўтдим.

Кўмитамиз фаолиятида ютуқлар қатори камчиликлар ҳам бор. Ҳали айрим нозирларимиз етарлича қатъийлик кўрсатмаяптилар, белгиланган яхши тадбирларнинг ҳаммасини ҳам амалга оширишга эришмаяптилар. Бунинг устига ҳал қилинишини кутаётган муаммолар ҳам кўп. Бу ишда бизга барча табиатсеварлар ёрдам кўлини чўзсалар, яқин ҳамкорлик қилсалар айни муддао бўлар эди.

Шу ўринда муҳтарам юртбошимиз таъкидлаб ўтган «Савобли ишни ҳар ким қилиши ва ҳар куни қилиши керак» деган пурҳикмат иборага ҳамоҳанг тарзда «Экология билан ҳар ким ва ҳар куни шуғулланиш керак» деб хитоб қилгим келади ва ушбу икки ҳикмат ҳар бир фуқаронинг зикри-ёдида бўлиши лозим деб ўйлайман.

Савоб ишлар одамларни бир-бирига меҳроқибатли, иймон-эътиқодли бўлишга чорласа, табиатни муҳофаза қилишга бел боғлаган инсонларнинг ҳар бир қадами ва сермашаққат меҳнати савобли иш бўлиб, эртанги фаровон, файзли, барокатли ҳаётимиз учун маънавий, ҳам моддий заминнинг пойдевори яратилишига хизмат қилади.

**Тургун ЭРГАШЕВ,**  
Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси.



Мафтунок тоғ манзараси. Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат.



Кўпқари.

Даврон АҲМАД олган сурат.

**ҚОНУН БАЖАРИЛИШИ ШАРТ ҚАДРИ ШУМИ?!**

ЕР ДАВЛАТ мулки ҳисобланади, ҳамма жойда ундан оқилона фойдаланиш мажбурийдир, акс ҳолда пушаймон бўлиб қолинади. Кейинги пушаймон эса ўзингга душман, дейди доно халқимиз. Белгиланган тартибни бузганларнинг қилмиши ҳар куни бўлмаса ҳам кунда фош бўлади, албатта.

Ангрен минтақавий табиатни муҳофаза қилиш нозирлари ўтказган текширишларда ердан ижобий фойдаланиш қатори бу соҳадаги

қонун-қоидаларга амал қилмаслик каби иллатлар ҳам аниқланди. Кейинги ойларда ўнга яқин шундай тадбирлар ўтказилди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатор кўрсатмалар берилди, уларнинг кўпчилиги ижро этилди.

Бироқ, ердан фойдаланиш ва унга муносабатда кўпол нуқсонларга йўл қўйган айрим мансабдор ходимлар моддий жазоландилар. Чунончи, кўмир карьери раҳбари А. Абдукаримовга лоқайд-

лиги туфайли ер ресурсларига етказган зарари қимматга тушди. У ўз ҳамёнидан саккиз юз сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Шаҳардаги «Бўстон» маҳалла кўмитаси оқсоқоли А. Шароповнинг ҳам ер қонунчилигига хилоф иш қилганлиги ёпиқлигича қолмади. Нозирлар уни билиб қолдилар. Натижада оқсоқолдан ҳам салкам беш юз сўм жарима ундириб олинди. «Ангренкўмирқурилиш» трести иккинчи участкаси бошлигининг шундай айби беш юз сўмлик жаримага лойик, деб топилди. Албатта, улар бундан буён ер ҳақидаги қонунларга амал қилишса керак.

**М. МИРЗААҲМЕДОВ.**

**Қарор ва ижро**

**ЛОҚАЙДЛИК ҚАЧОНЧА АЧА?**

**«Ўзпаррандасаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари диққатига**

**БИРЛАШМАГА** қарашли ва вилоятимиз ҳудудида жойлашган паррандачилик корхоналарининг кўпчилигидаги экологик аҳвол ниҳоятда ачинарли бўлиб, табиатга катта зарар келтирмоқда. Шунинг учун ҳам вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлиналари бу корхоналарни доим назорат остида сақламоқдалар ҳамда уларда табиатни муҳофаза қилиш ишларининг боришини мунтазам текширмоқдалар.

Жумладан, ўтган йилнинг нояб-рида вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси коллегияси мажлисида бу масала чуқур ва атрофлича муҳокама қилиниб, мавжуд камчиликлар қайд қилинган ва уларни бартараф этиш, экологик ҳолатни яхшилаш бўйича аниқ тадбирлар белгиланган эди. Шу масала юзасидан чиқарилган қарор қандай бажарилмоқда?

Текшириш шуни кўрсатдики, ўтган йили ва жорий йилнинг саккиз ойи давомида паррандачилик саноати корхоналарида табиатни муҳофаза қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Бироқ бу хотиржамланиш учун ҳеч асос бўлаолмайди. Умуман олганда, қарорнинг ижросини қоникарли деб бўлмайди. Ҳали бу соҳада катта-катта камчиликлар, муаммолар мавжуд. Уларни бартараф этиш кўп куч-ғайрат ва маблағ талаб этади. Паррандачилик корхоналари раҳбарлари эса доим сармоя йўқлигини баҳона қилиб кўрсатишади. Бир жиҳатдан бу тўғри ҳамдир, чунки бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бундай корхоналарда ишлаб чиқариш жуда сустлашиб кетди. Лекин, имконият ҳам кидириш керак-да. Ҳаракатда баракат деганларидек, қўл қовуштириб ўтирмасдан изланиш, имконият кидириш лозим.

Кўпгина корхоналар раҳбарларига афтидан шу нарса етишмаётганга ўхшайди. Янгиларини қуриш у ёқда турсин хатто мавжуд тозалаш иншоотларини ўз холига ташлаб қўйилишини яна қандай изоҳлаш мумкин. Масалан, Зангиота туманидаги «Дўстлик» паррандачилик саноати репродукторида тозалаш иншоотлари бузилиш ҳолатига келиб қолган. Корхона раҳбарлиги эса экологларнинг уни тазатиш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмаларини инobatта олишмаяпти.

Бунинг учун айтилик маблағ ҳам керак эмас, фақат ҳафсала етишмаяпти.

Янгийўлдаги «Умид» бройлер бирлашмасидаги тозалаш иншоотлари эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган, шу куннинг экологик талабига мутлақо жавоб бермайди. Шунинг учун уни қайта қуриш керак. Акс ҳолда ифлос чиқиндилар теварак-атрофни янада кўпроқ булғатиши мумкин. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

«Тошкентпарранда» ҳиссадорлик жамиятининг ва «Шарқ» паррандачилик саноати репродукторининг гўнг омборлари лойиҳада белгиланганича фойдаланилмаяпти. Бу ҳам табиатга зарар келтирляпти.

Барча паррандачилик корхоналари учун муштарак бўлган яна бир нуқсон бор. У ҳам бўлса гўнгни қайта ишлаш муаммосидир. Вилоятда ўнга шундай корхона бўлгани ҳолда биогумум ҳосил қилиш билан фақат «Ўртачирчиқ» паррандачилик фабрикаси жамоаси шуғулланмоқда. «Тошкентпарранда» ҳиссадорлик жамиятида эса гўнгни қайта ишлаш бўйича қурилма ни ўрнатиш ишлари бошланганига бир ярим йил бўлди, бироқ унинг охири кўринмапти, бу масалада ҳеч қандай баҳонани рўқач қилиб бўлмайди.

Бундай камчилик ва нуқсонлар илгари ҳам аниқланган эди. Аммо зарур чоралар етарли қўрилмаётганлиги учун улар ҳамон давом этапти. «Ўзпаррандасаноат» бирлашмаси раҳбарлари ўз корхоналарида табиатни муҳофаза қилиш ишларига бундай лоқайдлик билан муносабатда бўлишни қачонгача давом эттирадилар. Бўлар-бўлмас, асосли-асоссиз баҳонаю сабабларни рўқач қилишининг ҳам чега-раси бўлиши керак-ку!

**Маҳмуд МҮЙДИНОВ.**



● **Тадбиркор барибир топади** ● **Бензин ўрнида табиий газ**

**Бонг урамиз!**  
**ФИРТ ЗАРАР**

«Олмаликџишт» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бўлинмаларида экологик аҳволни яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Бироқ уларни амалга оширишда изчиллик сезилмайди. Табиатни муҳофаза қилиш идораларининг кўрсатмалари ҳам бажарилмаяпти.

Шу туфайли корхонада атроф-муҳитни ифлослантирувчи чиқиндиларни чиқариш жуда суст камаймоқда. Корхонанинг 3 заводидаги экологик ҳолатнинг ўзи ҳам фикримизнинг далили бўлиши мумкин. Берилган меёрга мувофиқ заводдан ҳар дақиқада чиқётган чиқинди 0,433 граммдан ошмаслиги керак. Амалда эса бу даражага бирор марта ҳам эришилгани йўқ. Яқинда ўлчаб кўрилганда, ҳар дақиқада чиқётган чиқинди миқдори деярли олти ярим граммни ташкил этади.

Корхонанинг бошқа ишлаб чиқариш бўлинмаларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бу корхона раҳбарлигининг табиат муҳофазасига лоқайд муносабатда бўлаётганлигидан бошқа нарса эмас. Экология муаммоларига бундай ёндашув қачонгача давом этади?

**Татьяна ХАТИПОВА,**  
**Оҳангарон минтақавий ихтисослашган таҳлил назорати бошлиғи.**

Янгийўлдаги бу ишлаб чиқариш ширкатини ноёб дейиш мумкин. Чунки, ҳозирча ягона ҳисобланиб, вилоятимизнинг бирорта ҳам бошқа шахри ёки туманида йўқ. «Меҳнат» деб аталмиш бу ширкат жамоаси хайрли ишларни олиб бормоқда. Чиқиндиларнинг муайян турларини қайта ишлаб, улардан турли хил кенг истеъмол маҳсулотлари тайёрламоқда.

Ҳозирги вақтда пластмасса ва пленка буюмлари рўзгорда кенг ишлатилмоқда, улар турмушимизга тобора кўпроқ кириб борапти. Айни вақтда чиқиндилари ҳам ортомқда. Ахлатхоналардаги супуриндилар таркибида ҳам кўпайиб кетаяпти. Бундай чиқиндилар атроф-муҳит учун жуда хавфли ҳисобланади. Чунки, пластмасса ва пленка буюмлари чиримайди, узоқ йиллар сақланиб, табиатга зарар келтиради. Бунинг олдини олиш ва шу каби чиқиндилардан оқилана фойдаланиш учун «Меҳнат» ширкати ташкил этилди. Янгийўлик бир гуруҳ тадбиркорлар барпо этган бу корхона табиатнинг мусоффо бўлишига хизмат қилишдан ташқари ҳар йили чиқиндилардан миллион-миллион сўмлик турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқариб, истеъмол бозорига етказиб бермоқда.

Бундан саккиз йил илгари Янгийўл шаҳар ахлатхонаси худудида бу ижара-ишлаб чиқариш ширкати қурилиши бошланди ва қисқа муддат ичида фойдаланишга

топшилди. 1993 йилда эса корхона хусусийлаштирилди, уни жамоанинг ўзи сотиб олди. Шундан кейин иш янада юришиб кетди. Чиқиндиларни қайта ишлаш учун замонавий асбоб-ускуналар харид қилинди ва ишга туширилди.

— Ишларимизнинг бориши чакки эмас, — дейди корхона директори Аваз Аҳролович Қосимов, — пластмасса ва пленка чиқиндиларини қайта ишлаш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Биз барча вилоят ах-

ри билан ҳам шартномалар тузган. Хўжаликлар ишлатилиб, яроқсиз ҳолга келган полиэтилен пленкаларини топширадилар.

Бугунга келиб ширкатнинг чиқиндиларни қайта ишловчи фабрикаси қуввати сезиларли ошди. У йил давомида 200 минг тонна чиқиндиларни қайта ишлай олади. Бу, албатта, кам эмас. Чиқиндилардан ишлар учун яшнқилар, 40 дан 100 миллиметр гача бўлган канализация қувурлари, хашак ғарамларининг ус-

зирги вақтда тўла қувват билан ишлашнинг иложи бўлмапти. Айниқса, «ёпиштирувчи» хом ашёнинг етказиб беришдаги қийинчиликлар шунга олиб келмоқда. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган қатор бошқа материаллар ҳам кўлстида доим етарли бўлмапти. Шундай вақтда ширкат ишчи-хизматчилари бошқа йўшларни бажаришга жалб қилинади. Уларнинг кўпчилиги тикувчилик цехида ишлайди, бу ерда ҳар хил газ-ламалардан буюмлар тайёрланади.

Шу қунларда «Меҳнат» ходимлари рўзгор чиқиндиларидан газламалар тайёрлаш имкониятларини изламоқдалар. Бу билан улар яна қатор чиқиндилар асосида кенг истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйибгина қолмай, экологик аҳволни яхшилашга ҳам ҳисса қўшган бўладилар.

— Биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирганлар кўп, — дейди директор. — МДХ мамлакатлари, ҳатто, қатор хорижий фирмалар бунга тайёр. Улар турли чиқиндилардан дераза ромлари, эшиклар, пўлат ўрнига пластмасса қувурлари, шифер ишлаб чиқаришда бажонудил қатнашажакларини айтишяпти. Уларнинг таклифлари бизни қизиқтираяпти: илгор технологияларни жорий қилиш янада кўпроқ фойда келтириши мумкин. Лекин, биз битта шарт қўйяпти: бундай шерикчилик қилишни истаганлар қўйган инвестицияларни тайёр маҳсулотимиз билан қайтармоқчимиз. Мақсадимиз кўриладиган барча фойда ўзимизда, ёш республикамизда қолсин, унинг қорига ярасин деймиз.

«Меҳнат» жамоасининг фаолияти ҳақида гапирилганда унинг яна бир хислатини тилга олиш ўринлидир. Улар экологлар билан яқин ҳамкорлик қилишяпти ва ўз корхоналарида атроф-муҳит мусоффолигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишмоқда. Масалан, экологларнинг тавсиялари билан тозалаш иншоотлари — оқваларни тиндиргичлар ишга туширилди, цехларда вентиляторлар ўрнатилди.

Ҳа, янгийўликларнинг рўзгор чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича таҳрибаси кенг оммалаштирилса арзийди. Уларга ҳар томонлама ёрдам бериш лозим. Аввало вилоятимизнинг барча шахарлари ва туманларида иккитомли полимер ресурсларини қабул қилувчи пунктларни ташкил этиш керак.

**Чара ПЕРЕПЕЛИЦИНА.**

**8 МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ—ЧИҚИНДИДАН...**

латхоналари билан шартномалар тузганмиз. Бу ахлатхоналар жамоалари пластмасса ва пленка чиқиндиларини саралаб, тўплаб қайта ишлаш учун корхонамизга юборадилар. Қабул қилиш пунктларимиз бутун республикамиз бўйлаб ташкил этилган. Биргина пойтахт вилоятида уларнинг бештаси ишлаб турилти. Янгийўл, Чирчиқ шахарлари, Зангиота, Қўйчириқ туманларидаги бу пунктлар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари ширкат Тошкент вилоят ва шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлов корхоналари, шунингдек, жамоа ва давлат хўжалик-

тига ёпилғилар ва ҳатто тугмачалар тайёрланмоқда.

Ширкат металл чиқиндиларини қайта ишлашга ҳам киришди. Улардан биринчи маҳсулот — инкассатор тамгалари тайёрланди. Айни вақтда бирламчи хом ашёдан пардоз тахтачалари, ликобчалар, халталар, пакетлар ва шу каби бошқа кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида жами 8 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Амалда эса ширкат бунга нисбатан икки баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Айрим сабаблар оқибатида ҳо-



Ширкатда чиқиндиларни қайта ишлаб, шундай яшнқилар ҳам тайёрланмоқда. Даврон АХМАД олган сурат.

**Буни қўлланг, ютасиз!**

**АРЗОН ВА ТОЗА**

**ВИЛОЯТИМИЗДА 130 мингтадан ортиқ автотранспорт воситаларидан фойдаланилмоқда. Уларнинг салкам 20 фоизи чиқараётган газнинг зарарлилик даражаси меёридан ортиқча бўлмоқда. Бир йил давомида эса ҳавога 186 минг тонна зарарли моддалар чиқариляпти. Буни камайтиришнинг энг асосий омилли автомашиналарни табиий газга ўтказишдир. Шу вақтгача вилоятимизда фақат бир фоиз автотранспорт шундай экологик тоза ёқилғи асосида ишламоқда.**

Транспортни ёқилғининг бу энг арзон ва соф бўлган турига ўтказиш ҳар томонлама эътиборга лойиқ. Унинг афзалликлари ҳаммага маълум. Буни биринчилардан бўлиб Янгийўлдаги 2503-сонли автокорхона жамоаси пайқайди.

Шунинг учун ҳам бу ерда автомашиналарни газга ўтказиш ишига жиддий киришилди. Корхона раҳбари Асатулла Отауллаев Ражабов ҳамма ишларга бош-қош бўлди. Мутахассислар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйди. Шундай жонқур-

лик, янгилик учун ҳатий кураш кўп ўтмай ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Автомашиналар бирин-кетин газ билан ишлашга ўтказилди. Имконият кенгайиши билан уни жорий қилиш ҳам тезлашди. Эндиликда бу ерда мавжуд бўлган автотранспорт воситаларининг 70 фоизи газ асосида ишламоқда. Бу ҳар илли каттагина миқдордаги маблағларни тежаш, атроф-муҳитни ифлослантиришни кескин камайтиришга олиб келмоқда.

— Газдан автомобиль ёқилғиси сифатида фойдаланишнинг аҳамиятини эндиликда ҳеч ким инкор эта олмайди. — дейди корхона раҳбари Асатулла Отауллаев. — Шунинг учун бизда ҳамма автомашиналарни газ асосида ишлашга ўтказиш жадал бормоқда. Шу вақтгача ЗИЛ, Ка-

МАЗ русумли транспорт воситаларининг бу ёқилғи билан ишлаш учун қайта ускуналанган ади. Эндиликда эса барча тур автомашиналар, автобусларни унга ўтказишга руҳсат олиш учун ишланмаларга эгамиз.


Ҳа, автосарой жамоаси бу янги ишланмаларни фақат ўз корхонасида жорий қилиш билан чекланмоқчи эмас. Бу соҳада, Янгийўл, умуман вилоятдаги юк автотранспорти концерни корхоналари жамоаларига ҳам ёрдам беришга тайёр. Ҳозирги вақтда 53—20, 54—10, 55—11 ва бошқа русумдаги КамАЗ автомашиналарини қайта ускуналаш муваффақиятли бормоқда. Бу ишларда Россиядаги «КамАЗ» ақциядорлик жамияти, «Экогаз» фирмаси билан яқин амалий алоқалар ўрнатилган.

Автокорхона газ ёқилғиси асосида ишлашга ўтказишда жамоанинг оддий чилангар, хайдовчиларидан тортиб директоргача бўлган барча ишчи-хизматчилару ходимлар фаол қатнашмоқдалар. Бунда, айниқса, таъмирловчиларнинг хизматлари салмоқлидир. А. Курбашев, А. Қодиров, П. Зарипов ва уларнинг қатор ҳам-

касблари бу ишда жонозлик кўрсатмоқдалар.

Автокорхонада экологик вазиятни яхшилашга қаратилган бошқа муҳим чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Унинг худуди катта боғни эслатади. Унинг анчагина қисми ям-яшил даракларга бурканган, гулзорлари атрофга хушбўй ҳид таратиб турилти. Бу ерда ҳар бир мевали ва манзарали даракт ҳақида ғамхўрлик қилинади. Автотранспортчилар ҳақиқий табиат ошиқлари ҳисобланишяпти. Унинг мусоффо бўлиши аввало ўз саломатликлари учун асқотишини яхши билишяпти. Шунинг учун бу соҳада экологлар билан ҳам доим яқин ҳамкорлик қилишяпти. Уларни тез-тез корхоналарига таклиф этадилар. Цехлардаги экологик ҳолатни текширишда, автотранспортдан чиқётган дудининг захарлилик даражасини аниқлашда уларнинг ёрдамидан фойдаланадилар. Бундай яқин ҳамкорлик табиатни муҳофаза қилишда ижобий натижаларга олиб келади, шубҳасиз.

**М. МАҲМУДОВ.**



## • ЁНИЛГИ... ЎСИМЛИК СУВИДАН • НУЖЛАР ҲАМ ШУ ЕРГА ҚУНАДИ • АЛПА СЕҲРИ

### ҚАЙСИ МАМПАКАТДА ТУРМУШ ЯХШИ?

Бирлашган Миллатлар Ташкилати ҳисоблаганидек бу соҳада Канадага тенг келадиган мамлакат йўқ экан. Канадаликларнинг айтишича, бошқа сайёралардан келувчилар ҳам шундай деб ўйлашармиш. Уларнинг мамлакатига коинотдан вакиллар тез-тез келиб туришар эмиш. Шахсан гувоҳ бўлганларнинг хабарларига қараганда, фақат 1994—1995 йилларда номаълум учар жисмлар Канада осмонидан 372 марта пайдо бўлишган. Айниқса, Британия Колумбияси вилояти коинотли меҳмонларга ёқиб қолган. Ҳисобларга қараганда, бу вилоятга 1989 йилда номаълум учар жисмлар 465 марта ташриф буюрган экан.

### БЕНЗИН ҲАМ КЕРАК ЭМАС

• ҲИНДИСТОННИНГ технология институтидида оддий сувни керосин ёки дизел ёнилғисидан кам фарқ қиладиган моддага элантиришдек эртақнамо имкониятни намойиш қилдилар. Тамиланд штатида топилиган оддий ўсимлик қайнатмаси асосида олинган карбонат ангидрид таркибидан автомобил двигатели осон ҳаракатга келди. Фаройиб ёнилғи солинган машина тезлигини ошириб борди.

Бу синов шов-шувга айланди. Кашфиёт ҳақида шахсан бош вазири ва мудофаа вазирлигига хабар берилди. Бунинг ҳаммаси етти йил илгари бошланган эди. Уша вақтда кашфиёт муаллифи, 30 ёшли Рамад Пиллаи дўстлари билан қадрдон қишлоғи Ражапалаям яқинидаги ўрмонга сайр қилишга чиқди. Бу ерда ҳамма нарсага қизиқувчан йигитни барглари аланга тегиши билан ёниб кетаётган ўт эътиборини тортди. Қўрганлари Р. Пиллаида бу ўсимликнинг хусусиятларидан ёнилғининг янги хилини яратиш учун фойдаланиш ҳақида фикр уйғонди. Унинг шу йўлдаги синовлари ҳақидаги хабар вақти келиб Ҳиндистон технология институтини ҳамда ҳукуматнинг фан ва техника департаменти ходимларига ҳам бориб етди. Уларнинг биргаликда сарфлаган қўч-ғайратлари натижасида янги таркиб яратилди.

Р. Пиллаи ўзи кашф қилган ёнилғи ишлаб чиқариш ёнилғиларининг оддий турларини тайёрлашга нисбатан бир неча баравар арзонга тушишига қатъий ишонади. Аммо бунинг учун унга муайян миқдордаги сармоя керак. Бу маблағ ҳисобидан мўжазгина завод қуриши, шунингдек шахсий кўриқчилар ёллаш нияти борлигини айтди. Чунки Пиллаини кўнларнинг бирида ўлдирмоқчи бўлишган. Ўзи кашф этган «ёнар сувни» тайёрлаш сирини айтмагани учун шундай жазолашга уринганлар.

### ҲАРОРАТИГА БОҒЛИҚ

КУЛОҚ супраси одам танасининг бошқа аъзоларига нисбатан фаол нуқталарга юз баравар бой. Бу нуқталарнинг барчаси бош мия орқали тананинг ички аъзолари билан бевосита боғланган. Шундан маълумки, одам кулоқларини ювиб-артганда бутун танасига ихобий таъсир ўтказган бўларкан. Демак, совуқ сувда кулоқни ювганда, бутун тана роҳатланади, кайфият кўтарилади, одам ўзини тетик сезади. Агар кайфиятингиз бузилиб, ишингиз юришмай қолса-қулоғингизни совуқ сувда ювинг. Чарчаб, асабларингиз таранглашса — илик сувга чайинг...

### ЧОЙ МАЪҚУЛ

БАЛИҚ гўшт ва сарёғ таомлардан, хусусан, паловдан кейин совуқ сув ичиш ярамайди. Баъзилар ёғлиқ паловдан сўнг совуқ сув ичишга ўрганган, ҳатто Самарқанд ва Бухорода шундай одат ҳам бор. Бундай кишилар дастурхонга палов билан бирга катта косаларда совуқ сув — «яҳоб» келтирадилар ва ошни сув билан қўшиб истеъмол қиладилар. Буни улар «гуруч сувга экилади ва у доимо сув ичида етилади, пиширганда ҳам сувда пиширилади, агар гуруч еган киши устидан яна сув ичиб юборса, у яхши тўйдирадиган бўлади», деб исбот қилмоқчи бўладилар. Бу тўғри эмас. Тажрибадор врачларнинг фикрича гастрит, ичак яраси каби касалликлар кўп ҳолларда сарёғ ва гўшти таомлардан сўнг сув ичиш натижасида пайдо бўлади. Бу таомлардан кейин иссиқ чой (айниқса кўк чой) ичган маъқул.

### ФОЙДАЛИ ШАРБАТЛАР

Маълумки, айрим касалликларга чалинганда, қаттиқ толиққанда иштаҳа йўқолади. Бу ошқозон безлари фаолиятининг сусайиши оқибатидир. Бундай ҳолларда овқатланишни хом салатлар, винегредлар ейишдан ёки айрим сабзавот шарбатларини ичишдан бошлаш лозим. Янги сабзи, карам, лавлаги, шолғом, бодринг, турп шарбатлари ошқозоннинг кислота ҳосил қилиш ҳамда безлари функциясини кучайтиришга кучли таъсир кўрсатувчи маҳсул дорилардан кўра самаралироқ таъсир этади.

Агар юқорида айтиб ўтилган сабзавот шарбатларининг ярмини ёки учдан бир қисмини сув билан аралаштириб ичиб турилса, ошқозон иши яхшиланади. Сафро ҳайдаш йўллари фаолияти кучаяди.

Сабзавот шарбатларининг хусусиятлари турличадир. Шунинг учун ошқозон шиллик қавати безовта қилганда, гастритда турп ҳамда редиска шарбатларини истеъмол қилишдан сақланиш лозим. улардан қилинган салатлар қаймоқ ёки ёғ билан аралаштирилиши зарур.

### Бу қизиқ ҚАНДАЙ САҚЛАШ КЕРАК

• СКАНДИНАВИЯДА уй ҳайвонларини қандай сақлаш ҳақида турли тортишув-бахслар кейинги вақтларда анча кучайди. Бундан бир неча йил илгари бу ерда йирик шохли қорамолларни парвариш қилишининг ягона усули — бойлоқсиз боқиш ҳақидаги масала кизгин муҳокама қилинган эди. Сигирхоналардан фақат йилнинг совуқ вақтида фойдаланиш мумкин, бошқа вақт учун ярқосиз деб тан олинганди. Бундан ҳеч нарса чиқмади, чунки дехқон хўжалиқларини бундай тубдан қайта ташкил этиш учун маблағни қаердан олиб бўларди.

Эндиликда товуқларни химоя қилишяпти. Уларни доим эркин сақлаш талаб қилинмоқда. Паррандахоналарда товуқларнинг кўпайиб кетганиги муаммосини Швецияда муҳокама қилиш шунинг кўрсатдики, бу талабларни амалга ошириш бутун мамлакатда бройлер хўжалиқларининг барбод бўлишига олиб келиши мумкин эди. Бу фикр 2005 йилгача рўёбга чиқарилиши назарда тутилган режага анча юмшатиб киритилди. Уй ҳайвонларини сақлаш бўйича бундай тўс-тўполон мунозаранинг акс садоси сифатида Финляндияда итларнинг кулоқлари ва думини кесишни таъқиқловчи қонун қабул қилинди.

### 13 — БАХТСИЗЛИК РАҚАМИМИ?

• АНГЛИЯ фуқароси Майк Уилямсдан сўрасангиз изтироб билан, албатта, ғам-ташвиш келтирадиган рақам дейди. Чунки, у Лондон гарбидидаги 13-сонли хонадонга кўчиб ўтди-ю боши ташвишдан чиқмай қолди. Дастлабки кўнлардаёқ унинг семимли овунчоғи Шопен лақабли мушуги йўқолди. Бу бошланиши эди. Кейинчалик шахсий автомашинасини гумдон қилишди. Мопедда юришга ўтгач ҳалокатга учради ва бир неча ҳафта давомида касалхонада ётди. Мияси чайқалган экан. Ишга чиққандан кейин теп-текис йўлда сирпаниб кетди ва қўлини синдирди. Ниҳоят энг катта яна бир ташвишдан гангиб қолди. Уйланмоқчи бўлган семимли кизи уни ташлаб кетди. Бу унинг сабр косасини тўлдириб юборди. Эртасигаёқ бу жин ургур уйдан чиқиб кетиш тараддудига тушди.

### «ПАРЛАМЕНТ» ҚАМОФИ

• ҲА, бу муассаса шундай деб аталадиган бўлди. Уни Колумбия суд идоралари барпо этишга қарор қилдилар. Бу ҳам парламент депутатлари учун яна бир «имтиёз» бўлди. Энди улар ўз ғаламисликлари учун ҳибсага олинсалар шундай қамоқхонада сақландилар. Мамлакатнинг жиноятчи тўдалари билан ҳамкорлик қилувчи халқ ноиблари тобора кўпайиб бормоқда.

Яқинда мамлакатда ҳукмронлик қилаётган либерал партиясининг наркотик бизнесида машҳур бўлган «Кал картели» билан алоқада бўлганлиги учун қамоққа олинган депутатлари бу турма меҳмони бўладилар. Шунингдек конгресс вакиллари палатасининг собиқ раиси Алваро Бенедетти ҳам шунга ўхшаш айбонлари учун уларга ҳамроҳ бўлади.

### НЕГА ШУНДАЙ?

Оналар ўз чақалоқларини аллалаш учун қайси қўлга кўпроқ оладилар? Лондондаги «Хаммерсмит» қасалхонаси олимлари шу муаммо билан шуғулланишга аҳд қилдилар. Доктор Гарри Сирацки кўп йиллар давомида кузатиш билан шуғулланди. У чақақай аёлларнинг 78 фоизи ва ўнг қўли асосий бўлган аёлларнинг 83 фоизи аллани хиргойи қилаётган вақтда чақалоқни чап томонида ушлаб туришни афзал кўришини аниқлади.

Доктор Сирацкининг фикрича, гўдакнинг чап кулоғи онаси овозини эшитиши учун беихтиёр шундай тутишади. Зеро овоз сигналлари худди шу чап кулоқ орқали миянинг ўнг яримшарига етиб боради, ўнг яримшар куйларни, оҳангни қабул қилиш учун жавоб беради ва инсон ҳиссиётини белгилайди.

1973 йилда америкалик физиолог Ли Салк она гўдакни чап томонида кўтариб туриб, онгли равишда ўз юраги урушини тинглашини истаиди, деган фикрни билдирган эди. Эндиликда бу ҳодиса илмий асосланди, дейиш мумкин. Инглиз олимларининг изланиши шундан далолат беради.

### ЗАМОНАВИЙ ТАРЗАН

Мана қирқ йилдики, Австралиянинг Куинсленд вилоятидаги чақалақзорларда ҳақиқий княз Тарзанга ўхшаб яшайди. Рус оқсуяклари оиласига мансуб бўлган княз Михаил ҳозир 66 ёшда. У эмиграцияда тугилган бўлиб, қатор мамлакатларни кезиб, охирида онаси билан Австралияда қўноқ топди. Бу вақтга келиб улар ниҳоятда қашшоқ бўлиб қолдилар, княз бўлатуриб тахта тилишда ишлагани учун ҳаммага қулги бўларди. Қўнларнинг бирида у чақалақзорларда ғойиб бўлди.

Унга маҳаллий аборигенлар кўп ёрдам бердилар. Княз улардан ўрмон ўсимликлари ва меваларининг қайсларини танаввул қилиш мумкинлигини

билиб олди. У ҳозир ҳам жисмоний бақувват, ҳар куни 40 километр югуради. Бу унга қийин эмас. Княз қирқ йил давомида фақат бир марта шифокорга мурожаат қилган. Ушанда унга тўнғиз ташланган ва у етказган жароҳат узок вақт битмаган.

Унинг ҳаётида энг хавfli воқеа дарёдан сузиб ўтаётганида юз берган. Ушанда тимсоҳга дуч келган эди. Қочининг имкони бўлмагач, узунлиги уч метр келадиган даҳшатли махлуқ билан олишишга тўғри келди ва уни енгди.

Яқинда княз ўрмон яқинидаги дўкон сотувчисидан бир банка кока-кола сўраган эди, сотувчи унинг туриш-турмушини кўриб қўрқиб кетди ва полициячини чақирди. Қонун-тартиб посбонлари унинг изидан чангалзор томон 220 километр йўл босганларидан кейингина қўлга туширдилар ва мажбурий руҳий текширишдан ўтказдилар. Мутахассислар князнинг тўрт мучаси соғ эканлигини қайд қилдилар.

### 30 ЙИЛ УХЛАМАСДАН

Бир кун уйқудан қолсангиз неча кун гаранг бўлиб юрасиз! У эса, мана 30 йилдики, уйқу нималигини билмайди. Вьетнам даги Хошимин шаҳрида истиқомат қилувчи 54 ёшли аёл Ти Лен Хан шундай бедавога йўлиққан. Бундай ҳолат 1965 йилда кўзи ёригандан кейин бошланди. Қанчадан-қанча ухлатадиган дорилар ичди, руҳий терапия қилинди, ҳатто гипнозчи ҳам уриниб кўрди, бироқ ҳеч қандай ўзгариш бўлмади.

Шифокорлар ҳам ҳайрон, ҳеч нарса ни тушунмаптилар, шундай ғайритабиий ҳодисанинг тағига етаолмаптилар. Ти Лен Хан ҳам ҳеч нарса ни тушунмасди, жуда қийналиб кетганидан ҳатто икки марта ўз жонига қасд қилишгача борди. Сўнгра кўникишдан бошқа илоҳи қолмагач тунда ҳамма уйқуга кетганида уй-рўзғор ишлари билан тонг оттирадиган бўлиб қолди.

Ушбу саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» ходимлари тайёрлашган.



Табиатнинг ўзи мусавир. Даврон АХМАД олган суратлар.



## ЯНА ИККИ ХҲЖАЛИК МАРРАГА ЕТДИ

**КУЙИЧИРЧИК.** Тумандаги «Тошовул» жамоа хўжалиги белгиланган маррага етди. Хўжалик аъзолари йил бўйи қилинган самарали меҳнат эвазига етиштирилган мўл ҳосилни тезкорлик билан йиғиб-териб олиб, 13 октябрь куни йиллик режани муддатидан илгари бажардилар. Қабул пунктларига 2065 тонна юқори сифатли қимматбаҳо хом ашё етказиб берилди. 750 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди. Хўжалиқда пахтанинг асосий қисмини қўлда териб олишга зўр бериш билан бирга барча терим машиналаридан ҳам самарали фойдаланилди. Мавжуд 15 та агрегат шу кунгача хирмонга 1330 тонна пахта тўкди. Механик-ҳайдовчилардан Эгамберди Маҳамов, Абдумалик Абдураимов, Эрқул Худойбергеновларнинг ҳар бири 80-85 тоннадан пахта териб бердилар. Жусупали Аширбоев, Хайитбой Давренов, Оллаберган Тўйбоев бошлиқ бригадалар биринчи бўлиб режани бажарган эдилар. Улар довон ошгандан кейин ҳам илғорликни бой бермай пешқадамлик қилаётирлар.

— Бу йил далаларда барча экинлардан мўл ҳосил етиштирилди, — дейди хўжалик раиси Александр Ким, — давлатга ғалла, каноп пояси, пилла сотиш йиллик режалари ҳам муваффақиятли бажарилганди. Хўжаликнинг бош экини-пахта тайёрлаш режаси ҳам муддатидан илгари адо этилди. Далаларда ҳали ҳосил кўп. Барча имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, давлатга

яна 300 тонна ҳосил топшириш мажбуриятини олдик.

**Рафиқ ТУРСУНОВ.**

**ТҮЙТЕПА.** «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзолари 610 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан, жами 1565 тонна ҳосил топшириб, йиллик режани муваффақиятли бажардилар. Ҳосилнинг 90 фоиздан кўпроқ қисми юқори навларда қабул қилиб олинди. Жами ҳосилнинг 500 тоннадан ортиғи қўлда терилди. Ҳозир далаларда 2 минг теримчи пахта теряпти. Ольга Цой, Феруза Тошкенова, Карима Очилова, Мухаррам Зоирова, Зарифа Асенбоеваларнинг ҳар бири 4-5 тоннадан ҳосил териб топширди. Механик-ҳайдовчилардан Ҳамид Юнусов, Мухтор Рустамовлар эса ўз «зангори кема»лари «этаги»дан 60-80 тоннадан пахта тўкдилар. Хўжалиқда Раҳим Файзиев, Муборак Алматова, Сафар Имомбоев, Раҳмон Қурбонов, Соли Суюнбоев бошлиқ бригадалар пахта тайёрлашда ҳам, ҳосилдорликда ҳам пешқадамлик қилаётирлар. Хўжалиқда пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 35 центнерга етказиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, тумандаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги ҳам уруғлик пахта топшириш режасини муддатидан илгари бажарди. 1320 гектар майдоннинг 950 гектарида «Наманган-77» навли пахта етиштирилган эди. Хўжалик 1300 тонна юқори сифатли хом ашё топширди.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**

## ХИРМОНГА БАРАКА

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 15 октябргача бўлган

**МАЪЛУМОТ**  
(фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда терилган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан бери

Оққўрғон	2,51	67,56
Уртачирчиқ	2,88	66,72
Бўка	1,93	64,59
Куйичирчиқ	2,49	60,92
Юқоричирчиқ	2,69	60,69
Чиноз	2,32	58,88
Янгийўл	2,07	57,55
Бекобод	1,86	51,64
Пискент	1,56	48,09

Вилоят бўйича 2,25 60,14

1995 йилда бўлган эди 0,28 83,07

## Бизнинг шарҳ

### ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

1996 йилда вилоят бўйича давлатга 286 минг тонна сабзавот топшириш режалаштирилган. Ҳозиргача салкам 200 минг тонна ноз-неъमत етказиб берилди. Тўғри, бу суръат ўтган йилдагига қараганда бирмунча орқада.

Лекин далада етиштирилган сабзавот ҳосилини йиғиб олиш ва давлатга топшириш учун ҳаракат бор. Бу борада шаҳарга тугас сабзавоткор туманлар анча яхши натижаларга эришмоқдалар. Хусусан, Тошкент тумани деҳқонлари 40 минг тонналик сабзавот тайёрлаш режаларини 80 фоиздан ошириб бажардилар.

Бир қатор хўжаликлар бирин-кетин маррага етиб келганликларини маълум қилмоқдалар. Фуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалиги деҳқонлари шу кунгача режадаги 3500 ўрнига салкам 3600 тонна сабзавот сотдилар. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аҳолига 2800 тонна маҳсулот етказиб берди.

Шунингдек, Ғиёс Умаров номли, «Тошкент» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам режаларини бажардилар.

Пахтакор туманлардан Бекобод, Юқоричирчиқ, Янгийўл туманларида сабзавот тайёрлаш анча дуруст борапти. Лекин, бу муҳим иш бир қатор туман ва хўжалиқларда оқсамоқда. Хусусан Оққўрғон, Куйичирчиқ туманларида сабзавот режаси эндигина 30—35 фоизга бажарилди, холос. Айни вақтда Пискент, Уртачирчиқ, Бўстонлиқ туманларида ҳам сабзавот сотиш ўтган йилга нисбатан камайиб кетди. Айрим хўжалиқларда ҳосилдорлик пасайиб бормоқда.

Куз ҳавосига ишониб бўлмайди. Вақт ганимат, шундай экан, ҳозир барча туман ва хўжалиқларда маҳсулотни йиғиб-териб олиш ва келгуси йилги ҳосилга мустаҳкам замин яратиш учун ҳар кун, ҳар соатнинг қадрига етиб иш кўриш талаб этилади.

## КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти бўлими Тошкент шаҳрида ўзининг кимошди савдосини ўтказди. Савдо 1996 йилнинг 26 октябрь куни соат 10.00 да Тошкент вилояти ҳокимлиги биносидан бошланади. Савдога қуйидагилар қўйилади:

Автотранспорт маркази	давлат рақами	автокорхона мақзили	амалда босиб ўтган масофа	ишлаб чиқарилган йили	бошланғич нархи
УАЗ 452-д	47-35 ТШН	Ангрен олтин қазиб чиқариш экин, Ангрен шаҳри	589100	1976	39900,0
УАЗ-3962-01	37-53 ТШР	Ангрен олтин қазиб чиқариш экин, Ангрен шаҳри	282100	1988	36790,0
РАФ 2203	89-29 ТШЛ	Ангрен олтин қазиб чиқариш экин, Ангрен шаҳри	545900	1981	85000,0
Нисса 522	39-18 ТШР	Ангрен олтин қазиб чиқариш экин, Ангрен шаҳри	169445	1985	39900,0
УАЗ-31512	03-57 ТША	«Одигардон» Одигардон шаҳри	346843	1990	30000,0
УАЗ 3303	42-57 ТШР	Бўстонлиқ тумани маданият ишлари бўлими	598616	1988	25834,0

ЖАМИ:

257274,0

Шунингдек, қишлоқ аҳолисига транспорт воситаларини сотиш учун ихтисослашган кимошди савдосига қуйидаги автомашиналар қўйилади:

Автотранспорт маркази	давлат рақами	автокорхона мақзили	амалда босиб ўтган масофа	ишлаб чиқарилган йил	бошланғич нархи
ПА3-37421	77-57 ТШР	Юқоричирчиқ туманидаги 5-АТК	190424	1987	76800,0
ВА3 2121	34-32 ТША	Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон овози» газетаси таърифи	350000	1986	40000,0
ГА3-5204	74-08 ТШР	Юқоричирчиқ туманидаги 5-АТК	544050	1979	25000,0
КамАЗ-5410	48-40 ТШМ	Ангрен шаҳридаги ОТХК 7-АТК	722050	1979	89000,0
яримтиркама	15-44 ТШ	Ангрен шаҳридаги ОТХК 7-АТК	550482	1987	45000,0

ЖАМИ:

275800,0

Мурожаат учун телефонлар: 33-49-31, 33-28-52.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй.  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ.



• Фармон ва ижро

## ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

**КУЙИЧИРЧИК** туманидаги қишлоқларни газлаштиришга алоҳида эътибор берилляпти. Бундан бироз вақт илгари Чиноз туманидан «Ужакент» жамоа хўжалиги марказий кўрғонига газ қувурлари тортиб келинган ва хонадонлар газлаштирилгани ҳақида хабар берган эдик. Кеча Абай номли ва «Юлдуз» жамоа хўжалиқлари аҳолиси ҳам табиий газдан баҳраманд бўлдилар. Қўрғонча қишлоғидан Абай номли хўжалиқка 1,6 километр масофада тортиб келинган катта босимли газ қувуридан зангори ёнилғи оқа бошлади. Газ қувурларларини Янгийўл туманидаги «Монтажчи» ихтисослашган корхонаси жамоаси қуриб топширди.

— Қишлоғимизда 417 та хонадон бор, — дейди хўжалик раиси Зоид Назиров. — Улар «зангори олов» етиб келишини интиқлик билан кутишаётган эди. Қурилиш тезкорлик билан олиб борилиб, бир ярим ой деганда ниҳоятга етди. Хўжаликнинг ўз вақтида 1,5 миллион сўм сарфлаб қувур сотиб олгани ҳам ишни маҳсул қилмай, жадал олиб бориш имконини берди. Энди хонадонларга қувур тортиб бериш навбати келди. Бунинг учун яна 1,7 миллион сўмлик қувур сотиб олдик. Қишлоқ кўчаларида 16 километр масофада газ тармоқлари ўтказишни ҳам шу йил охиригача тула бажарамиз. «Юлдуз» жамоа хўжалигининг Юлдуз

қишлоғи марказига ҳам газ етиб борди. Шу муносабат билан ҳар иккала хўжалиқда тантана бўлиб ўтди. Туман ҳокими Камбарали Омонов қишлоқ аҳолисини «зангори олов» етиб келгани билан табриқлади.

**СУРАТДА:** Абай номли жамоа хўжалиги маркази. Қишлоқнинг кекса ва мўътабар отахонларидан — меҳнат фахрийси Ҳамид ота Юсупов маъшарани ёқмоқда. Ҳусан АВВАЛОВ олган сурат.

Супермарафон—96
БУЮК БОБО
ПОЙИГА КЕЛДИЛАР

Сохибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан уюштирилган супермарафон иштирокчилари югурини 5 октябрь кун...

Марафончилар шу кунги вилоятимизнинг Янгийул шаҳрида бўлиб, мароқли суҳбатлар ўтказдилар. 15 октябрь кун...

Миржалол МИРАЛИЕВ.

ДҮППИ КИЙГАН... ГРОССМЕЙСТЕР


ЧИРЧИКЛИК САЙДАЛИ ЙҮЛДОШЕВ ЕРЕВАНДА ЯҚУНЛАНГАН 32-ЖАҲОН ШОҲМОТ ОЛИМПИАДАСИДАН ОЛТИН МЕДАЛ ВА ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР УНВОНИ БИЛАН ҚАЙТДИ

— Олимпиадада қатнашиш ҳар қандай шохмотчи учун катта шараф — деди биз билан суҳбатда Сайдали. — Ундаги муваффақият эса икки қарра қадридир.

Дарҳақиқат, Олимпиадани ҳеч бир мусобақа билан тенглаштириб бўлмайди. Кунги кеча яқунланган 32-жаҳон шохмот Олимпиадасида 112 давлатнинг минг нафарга яқин етук шохмотчилари голиблик учун, ўз мамлакатлари шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун дона суринди.

Сайдали 16 ёшидаёқ, Ўзбекистон тарма жамоаси тарихида собиқ иттифок ўқувчилари спартакиадада олтин медалга сазовор бўлди. Яқинда ундан «Билар халқаро гроссмейстер бўлишлари учун ниямларга эътибор берилари керак». — дея сурдим.

Кунги кеча яқунланган Олимпиадада битта жамоа вакиллари Сайдалидан бўлаёқ учрашувда дуранга икки чеккишни сурди, бунинг эвазига катта пул ваъда қилишди (кунги уларнинг жамоаси шу ярим оқонда қўлга юритганда кучли бешлиқа кириб, жаҳон кубо...



қанда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади). Сайдали тақлифи рад атади. Улар пул миқдорини икки баравар оширишди. Яна рад жавобини эшитган, улар «ўзинг бахосини айт», дейишди. Оқини тақлифини сўра дейишганда Сайдали: «МАМЛАКАТ ЖАМОАСИ МАНФААТИ ТУРГАН ЖОИДА ОРТИҚЧА ГАЛПА УРИН. ЙҮК, ҲАР БИР ОЧКО УЧУН ТАХТА УЗРА ЖАНГ БУЛАДИ», дея жавоб қайтарди ва ўша уйинда галаба қозонди.

Олимпиада совриндори

мен 1992 Ўзбекистон чемпионатида гувоҳ бўлганман. Мустақил ўртимизнинг биринчи чемпионати. Уша даврга хос ҳолат. Ўзбекистон чемпионатида туб миллат вакиллари кам. Улар орасида халқимиз урф-одатлари асосида воёга етган Сайдали ҳам донна суряпти. Ушанда мусосаз курашлардан сунг Сайдали голиб чикди (Маълумот: уша чемпионатда 2-4-уринларни эгаллаган қатнашчилар хоржигга кучиб кетганини ҳисобга олсак, Сайдалининг муваффақияти янада аҳамиятлироқ туюлади).

— Узебекистоннинг 1930 йилда ўтказилган дастлабки биринчилигида Азмиддин Хужав голиб чиккан эди. Бу мусобақа мустақил Ўзбекистонимизнинг ilk биринчилигидир. Мусобақа бошланиши олдида мен ҳам шу биринчиликда голиб чикшим керак, деб уйлаганмидингиз?

— Бу фикр хаелимга келганди. Лекин мусобақа олдида унинг натижаси хақида бирон нарсга дейиш қийин-да.

Унинг жавобидан кўриниб турибдики, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи чемпионатида голиб чиккани олдиндан ният қилган. Бу галаба Сайдалига Манила Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини берди. Баъзи юртдошларимиз ушанда Олимпиадага атиги бир нафар узебек йитти кетганидан афсусланишганди. Лекин улар Сайдали Манилага дупли олиб кетганини ва бунинг Олимпиада давоминда уни кийиб юрганини билишмасди. Ушанда унга хавоиси келганлар дуплисини сотишгани, бирор ёлгорликка алмаштиришни таклиф қилишди. Аммо Сайдали узебекинг бошидаги дупли сотилмаслигини, ёлгорликларга ҳам алмаштирилмаслигини уларга тушунтирди.

Эл қўлласа омон бўлсак, ажабмас! Ҳа, Сайдалининг юртпарварлигини эл билди, қадрлади, бошига қутарди. Бунинг Манила Олимпиадасидан кейин мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган мусобақаларда Сайдалига курсатилган эҳтиборат-эътибордан билсак бўлади. Чирчилик шохмотчи ҳам хамюртларимизнинг ишончини оқлади. Манила Олимпиадасида кумуш совриндори бўлган Сайдали 1993 йилда ҳам Ўзбекистон чемпиони бўлди. Осиё чемпионатида кумуш (1993, Куала-Лумпур) ва бронза (1995, Сингапур) медалларини қўлга киритди. Жаҳон шахсий чемпионати саралаш мусобақасида учинчи ўринни эгаллади (1995, Тошкент).

Айниқса, Мустақил Ўзбекистонимизнинг беш йиллиги нишонланган ўшбу қўтлуғ йил Сайдали учун ҳам хайрли келди. Азалдан эл қўлаганлар туғиға туена билан келишди. Йил бошида у хоржигда ўтказилган нуфузли мусобақаларда муваффақият қозониб, халқаро миқёсдаги спорт устаси талабини уринлади. Халқаро гроссмейстерларни ордада қолдириб мамлакат чемпионатида голиб чикди. Дубайда Осиё шахарлари ўртасидаги чемпионатда Тошкент жамоаси тарихида олтин медал билан тақдирланди. Нихоят, Ереван Олимпиадасида олтин медал ва халқаро гроссмейстер унвони эгаси бўлди. Биз шохмот бўича шу юксак унвонга сазовор бўлган Георгий Азватоени унутмаган холда бемалол Сайдали Йүлдошевине биринчи узебек гроссмейстери дейишимиз мумкин. Шу боис дилда хаяжон билан юртимизни, она халқимизни Олимпиаданинг олтин медали ва биринчи узебек гроссмейстери билан муборакбод этамиз.

Асрор МҮМИНОВ.

«БРОНЗА»ГА ЙҮЛ ОЧИЛАДИ

Бухорода «Нурафшон» устидан 2:1 ҳисобида голиб келган «Дўстлик» турнир жадвалида яна «Пахтакор»дан олдинга ўтди

ТУРНИР жадвалида тўртинчи погонани эгаллаб турган ва яқин вақтларгача медалларга даъвогар ҳисобланган, бирок, кейинги турларда мавқени бироз бериб қўйган Бухоронинг «Нурафшон» жамоаси 26-турда Тошкент вилоятининг «Дўстлик» клубини қабул қилди. Майдон эгалари фақат галаба қозонган тақдирдагина бронза медалларига даъвогарликни давом эттирардилар.

Биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимда ташаббусни қўлга олган меҳмонлар тез-тез меҳмонлар дарвозасини таҳликага сола бошладилар. Бу ҳужумлар самара берди. Жаъфар Ирисметов икки бор 50-ва 70-дақиқаларда иккита тўп киритишга муваффақ бўлди. Учрашувнинг сўнги дақиқасидагина «Нурафшон» ҳужумчиси Р. Ақбаров битта жавоб тўпи кирита олди холос. Бу галабадан кейин «Дўстлик» жадвалда яна бешинчи ўринга кўтарилди ва энди «Нурафшон»дан атиги бир очко орқада қолмоқда. Кейинги турларда кетма-кет зафар кучиб келатган «Пахтакор»нинг бу сафар омади чопмади. Олий табақада қўлим учун ҳаракат қилаётган «Машъал» жамоаси «Пахтакор» билан бўлган ўйинда 80-минутгача 3:0 ҳисобида олдинда бораётганди. 82-минутда А. Ақопян ва 84-минутда Р. Бозоров (ун бир метрдан) тўп киритишди, ҳисобни 2:3 қилишди. Натижада бу мағлубиятдан сунг «Пахтакор» яна олтинчи ўринга тушиб қолди.

Олтин медалларга асосий даъвогар ҳисобланган «Навбахор» ҳам, «Нефтчи» ҳам галабага эришиб, ўз ҳисобларига уладан очко ёшиди. «Нефтчи» ўз майдонида Ургенчнинг «Ди-

намо» жамоасини йирик 6:0 ҳисобида енган бўлса, «Навбахор» Марғилонда «Атласчини 2:1 ҳисобида енгди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» — «Сўғдиёна» — 0:1, «Янгиер» — АСК — 1:1, «Динамо» (С) — «Наврўз» — 2:1, МХСК — «Косонсой» — 3:0.

Мавсум тугашига тўрт тур қолди. Вилоятимиз вакиллари «Дўстлик» бу галабадан сунг нафақат ўз мавқени мустаҳкамлади, балки бронза медалларига даъвогарлик қилиш имкони турилди. Тўғри, бу вазифа жуда оғир. Лекин футболчиларимизнинг омади чопса ажаб эмас. Бунинг учун улар қолган тўрт ўйинни муваффақиятли ўтказишлари даркор бўлади. Энг муҳими уларнинг 28 октябрда ўз майдонларида МХСК билан бўладиган учрашувидир. МХСКни яна «Пахтакор» ҳамда «Навбахор» жамоала-



ри билан ҳам жиддий синов кутмоқда.

Нафақат медаллар учун, балки олий табақада қўлим учун кураш тугагани йўқ. Тўғри, Ургенчнинг «Динамо» ва Термизнинг АСК жамоаларининг аҳволи анча оғир. Улар «Косонсой» ва «Машъал» клубларидан 7-8 очко орқада қолшмоқда.

Жамоаларнинг бугунгача бўлган турнир жадвалидаги аҳволи куйидагича:

Table with 6 columns: Jamoalar, O, D, M, T-N, O. Lists teams like Nавбахор, Нефтчи, МХСК, Нурафшон, Дўстлик, Пахтакор, Атласчи, Трактор, Янгиер, Динамо (С), Сўғдиёна, Наврўз, Машъал, Косонсой, Динамо (У), АСК with their respective scores.

«РОХАТ»НИНГ АЛАМИНИ «БҮКАЛИК» ОЛДИ

МАМЛАКАТ биринчи табақасида қатнашаётган жамоалар яқшанба кунги 42-тур ўйинларини ўтказишди. Ҳамон Тошкентнинг «Чилонзор» ва Навоийнинг «Зарафшон» клублари пешқадамлик қилишиб, олий табақага чиқишга даъвогар бўлиб туришди. Бу икки жамоа яқин

рақиблари «Прогресс», «Темирйўлчи», «Шахрихон» клубларидан 12-14 очко ўзиб кетишди. Бекободнинг «Металлург» футболчилари 68 очко билан 8-ўринни эгаллаб туришган бўлса, Чирчиқнинг «Кимёгар» футболчилари ўнликка киришга ҳаракат қилишмоқда. Сўнги турда тўрт жа-

моамиз учрашувларни сафарда ўтказди. Қўбрайнинг «Рохат» футболчилари «Олтинкўл» меҳмони бўлиб, 0:5 ҳисобида мағлубиятга учрашди. «Бўкалик» эса ўз майдонида «Хисор»ни ана шундай ҳисобда мағлуб этди. «Кимёгар» «Шахрихон»дан 0:1, «Фазалкент» «Тўқимачи»дан 0:4, «Металлург» эса «Зарафшон»дан 0:3 ҳисобида енгилди.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

Жаҳон спорти оламида ПРЕЗИДЕНТДАН ЮКОРИ

ҲА, АЖАБЛАНМАНГ! Американинг машҳур кишилари рўйхатида таниқли баскетболчи Майкл Жордон АҚШ президенти Билл Клинтон ва яна кўплаб сиёсатчи-ю, миллиардерлардан ўзиб, иккинчи ўринни олди. «Уоллстрит-жорнэл» газетаси ва «Эн-Би-Си» телекомпанияси сўровига кўра АҚШ Қуролли қучларининг собиқ штаб бошлиғи Колин Пауэлл биринчи ўринни эгаллади. Элизабет Доул (президентликка номзод Р. Доулнинг рафиқаси), Альберт Гор (АҚШ вице-президенти), Билл Клинтон (АҚШ президенти), Роберт Доул (президентликка номзод), Хиллари Клинтон (президентнинг рафиқаси), Росс Перо (техаслик миллиардер) каби машҳур кишилар баскетболчи Майкл Жордондан орқада қолишди.

ЎНДАН БИРИ...

МАЪЛУМКИ, профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Майк Тайсоннинг устози Кевин Руни шогирдидан 49 миллион доллар талаб қилиб, судга берган эди. Яқинда суд даъвогарнинг аризасини қўриб чиқиб, Тайсон Рунига 4,1 миллион доллар бериши тўғрисида ҳукм чиқарди. Майк суд ҳукмини эшитиб, агар Кевин мандан шунча пул сўраганда у билан судлашиб ўтирмаёқ бажонудил берган бўлардим, деди.

ТАШКИЛОТ
ЗИЛ, ГАЗ-53, ГАЗ-24, МАЗ, КамАЗ
автомобилларининг поршенлар гуруҳлари, тирсақли ўқлари, поршен халқалари ва бошқа эҳтиёт қисмлари, шунингдек Д-240 нинг поршен халқаларини сотади.
Мурожаат учун телефон: 56-02-13

Ўзбекистон хореография билим юрти томонидан Гулбўстон Усмоновна Тошбоева номига берилган III — 1014820 рақамли йўқолган диплом бекор қилинади

Чиноз туманидаги Усмон Юсупов (собиқ Оржоникидзе) номли 7-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Расулов Лутфулла Норбоевич номига берилган 274958 рақамли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома бекор қилинади

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоаси Зангиота тумани марказий шифохона бош шифокори Равшан Зайнутдинович Низомовга онаси Назира НИЗОМОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фотхиддин
МУҲИДДИНОВ

Маълумот:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Шеффонлар:
хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 36-57-27.